

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент
шаҳар комитети ва халқ депутатлари
шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган.

№ 232 (6. 721)

1988 йил II октябрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин

Янги усулда

© Хўжалик ҳисоби асосида иш олиб бораётган «Учқун» тўқимачилик-галантерейа ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йилнинг ўтган ойларида қўшимча 800 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаргани янги усул самарасидир. Ишчиларнинг иш ҳақлари 20-30 сўмгача ошди. Иш шартлари, ишлаб чиқариш маданияти юксалди.

Бирлашмада асосан ёшлар ишлайди. Булардан 350 нафар комсомоллардир. Комсомол-ёшлар Ленин комсомоли ташкил топан кунининг 70 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун турли ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Бирлашмадаги 9 та комсомол-ёшлар бригадаси йиллик пилани юбилейгача ошириб бажариш учун курашмоқда. Бичиш цехидан Зухра Абдуллаева, гул босиш цехидан Дилдор Эргашева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари муносибда толиб чиқишлати. Улар кунлик пилани 15-20 процент ошириб бажаришмоқда. Бу бригадаларда Махмуд Акрамова, Мухаббат Жалилова, Мухайё Назирхонова, Дилбар Файзиддинова, Мухаббат Тожибеова каби илгорлар оялик нормаларини 140 процентдан бажаришмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

Мавсум боп пойабзаллар

© 1-пойабзал фабрикасида навбатдаги оёқ кийимлар ишлаб чиқарила бошланди. Аёллар учун этик ва эркакларнинг кеч кузда кийишига мўлжалланган этик пешма-пеш савадо растеларига жўнатиляпти.

Харидорлар ҳушундлик билан сотиб олаётган бу оёқ кийимлар фабрика моделлари тавсияси асосида тикиляпти. Ҳозиргача янги маҳсулотлардан 100 минг сўмлик ишлаб чиқарилади ва истеъмолчиларга жўнатилади. Йил охиригача яна 300 минг сўмлик мавсум боп оёқ кийимлар тайёрланади. Ишчилардан Ж. Завлунов, Ж. Тожибеова ва З. Сулаймоновлар товарларнинг харидоригри бўлишида маҳоратларини ишга солмоқдалар.

С. ШАМСИДИНОВ.



Партия турмуши:
ҳисобот ва
сайловлар

Юксак бурч

Оқушбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасида бошлангич партия гуруҳларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Йиғилишлар қоята ошқоралик, баҳс-мунозара руҳида ўтмоқда. Биз йиғилиш ҳақида, унда қўрилган масалалар тўғрисида ўртоқлашсини фабрика партия ташкилотининг секретари Ш. А. Қурбоновдан илтимос қилдик.

— Фабрикада йил бошидан бўён коллектив пудрати асосида иш олиб борапти. Бунинг фойдали томонлари бор, албатта. Меҳнат унумдорлиги ўсаяпти, ишчилар даромади ошди. Коллективимиз 700 кишидан иборат. Шулардан 123 нафари партия аъзоси бўлиб, улар 5 та бошлангич партия гуруҳларида фаолият кўрсатишмоқдалар. Бошлангич партия гуруҳлари ўзларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларини ниҳонсига етказишди.

Фабрикадаги иш жараёнида содир бўлаётган ҳар бир муаммо, камчиликлар, ютуқлар жиддий ўрганилди. Йиғилишларда коммунист бўлмаган ҳар қандай оддий ишчи ҳам ўз фикрларини рўй-рост, эркин айтиш ҳуқуқига эга бўлди.

Коммунист — партияимизнинг авангарди. Шундай экан, коллективда қанча партия аъзоси кўп бўлса, шу ерда тўғрилиқ, юксак интизом, меҳнат унумдорлиги шунча юқори бўлади. Ишчиларга ҳар жиҳатдан ўрнатилган бўлиш — ҳар бир коммунистнинг бурчи. Шундай коммунист ишчилардан 3-цех бичувчилари Р. Умарова, Х. Пўлатова, 2-цех тикувчиси М. Тўхтамурадова, 4-цех тикувчиси М. Солиҳова кабиларни ҳўрмат билан тилга олиш мумкин. Қаерда меҳнат интизими мустаҳкам бўлса, ўша ерда ишлар кўнглидагидек бўлади. 1-цех илгор-тикувчиси Г. Эргашева ўзи бошчилик қилаётган бригада ҳақида гапириб, коллективда меҳнат интизими ҳали ҳам қониқарли аҳволда эмаслигини айтиб ўтди. Шунингдек, станокларнинг ўз вақтида ремонт қилиб берилаётганлиги оқибатида бригадада иш унуми кундан-кунга пасайиб бораётганлигини кўйиб гапирди.

Бундан ташқари, ошхона ва ҳаммомларнинг талаб даражасида эмаслиги қайд этиб ўтилди.

Бошлангич партия гуруҳларига секретарлар сайлаш эркин овозда олиб борилди. Цех ишчилари ўзларига ишонган коммунистларнинг номзодини секретарликка тавсия этишди. 2 ва 4-цех бошлангич партия гуруҳлари секретарлари қайта сайланди, қолганлари ўрнида қолди.

Ҳозир 14 октябрь кунини бўлибган фабрика партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик қўрилмоқда.

Г. САОДАТОВА.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Бригадир Ўлмасхон

Унинг на отаси, на онаси бу заводда ишлаган. Шунинг учун Ўлмасхон Ҳамидова бундан салкам 14 йил аввал отаси ё онасига ҳавас қилиб, Ўзбекистон ССР Агросаноат Давлат комитетининг «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-Тошкент минерал суви заводида ишга келди, деб айтолмаймиз. Демак у ишчи бўлиш, ишчи бўлганда ҳам фидокор ишчи бўлишни қўнглига тутиб, завод остонасига қадам қўйган.

Ўлмасхон у пайтлар ёшгина қиз эди. Заводдаги тинчлик сизлаётган ақли машиналар унинг ҳавасини келтирди.

— Қалай, — деди қизнинг ҳайратланганидан завқи келиб ёши ўтганроқ аёл.

— Яхши, — деди Ўлмасхон ҳаяжонланиб. — Мен ҳам шу машиналар билан ишлайманми? Тилини билмайман-ку?!

— Билиб оласан! — деди баян аёл, — фақат инти-санг били.

Ўлмасхоннинг меҳнат биографияси шу тарзда ҳамма ишчилариники сингари бошланди. Дастлаб суварини иш-шалаарга қуюв автомат-машинасида ишлади. Қўнғ билан ўрганди. Ишн нимадан иборатлигини билиб олиш билан кифояланмади. Еш ишчи қизни заводнинг ҳар бурчагида қўриш мумкин эди. Уни ҳамма нарсга қизиқтирарди.

© «Раҳбарликнинг сиёсий услублари» — «Правда» газетасининг бугунги редакция мақоласи ана шундай номланади. Мақолада партия комитетлари бугун фаолиятини тубдан қайта қўриш, сиёсий раҳбарликнинг шакли ва услубларини ана шу вазифаларга мувофиқлаштириш лозимлиги ҳақида фикр юритилди.

© Бугунги кунда бектисно ҳаммаи ҳаяжонлантираётган муаммолар қаторида озик-овқатларнинг, халқ истеъмоли то-варларининг нархи апохидда ўрни тутди. Нима учун арзон буюмлар қалайиб борапти, нима учун кооперативларда гўшт, қолбасалар қиммат, ик-тисодий меҳанизмнинг қандай қилиб солаш мумкин! Нарх-навоини ислоҳ қилиш биланми! «Правда» газетасининг муҳби-ри ана шундай саволлар бил-лан Москва-область «Химки» аг-росавдо корхонасининг ди-ректори, иқтисод фанлари кандидати И. Хмельковга му-рожаат қилди. Газетанинг ик-кинчи саҳифасидаги «Ердан» назар ташлаб» сарлавҳали ма-қолада мутахассис ана шу са-волларга жавоб беради.

© «Правда» газетаси са-ҳифаларида шунингдек, «Сўза-моли» сарлавҳали публицист мақоласи, «1922 йилга оид ки-чик мактуб» сарлавҳали В. И. Лениндан табрик олган район комсомол газетаси ҳақида ҳи-қоя ўрни олган.

© ЛУСАКА. Наталя ҳинд кон-гресси ҳамда Трансваал хинд конгресси делегациялари аъзоларининг Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрес-си раҳбарлиги аъзолари билан кунин кеча Лусакда очилган учрашувда Жанубий Африка Республикасида тезорқ ирк-лараро демократик жамият ту-зиш кўллариини муҳоама қил-моқдалар.

Наталя ҳинд конгресси раҳ-барлигининг аъзоси Зан Вакуб хинд жамоаси делегацияси Лусакга ирқчиликка қарши ку-рашдаги куч-ғайратларини бир-лаштириш мақсадида африка-ликлар миллий конгресси билан бир фикрга келиш учун таш-риф буюрганилигини таъкидла-ди. Биз, деди у, ЖАРда 26 октябрга белгиланган мундаци-пал сайловларни актив равиш-да бойкот қилиш учун бирга-лидаги ҳаракатлар режиссини тузиш ниятимиз ҳам бор. Би-ринчи учрашувдан сўнг бўлган мавбуот конференциясида Ва-куб хинд конгресси қуролини ҳаракатларга қарши эканлиги-ни ҳамда найлнатда ирқчи-лик режисмининг тиқч йўл билан бартараф этиш учун шарт-ша-ронитлар яратиш борасида таш-виқотчилик кураши олиб бора-ётганилигини таъкидлади. Айни вақтда, деб ўқтқрди у, Биз Африкаликлар миллий конгрес-сининг қуролини фаолиятини қораламаймиз, чунки унинг аъ-золари «вуқудга келган ша-ронитларда ана шундай ҳаракат қилишга маъбурдирлар.

© ВАШИНГТОН. 1987 йилда Қўшма Штатларда содир бўл-ган жиноятларнинг умумий со-ни ўтган йилга нисбатан 1,8 процент кўпайди. Умуман ўт-ган йили Америка Қўшма Штатларида 34,7 миллион мар-та қонун бузиш ҳоллари рўй берди. АҚШ юстиция минис-трилиги юридик статистика бош-қармасининг Вешингтонда тар-қатилган докладаида шу ҳақда хабар берилади.

Докладин тайёрлаш чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-ларининг ҳисоботларидадан та-шқари аҳоли фикрини сўраб би-лиш натижалари ҳам ҳисобга олинган. Чунки, буюр ҳодим-лари ўтган йили 93 минг киши-нинг фикрини сўраб билган ва ана шу маълумотлар асосида полицияга қонун бузилиш ҳо-ларининг фойат 37 проценти хабар қилинганилигини ҳисоб-лаб чиққан эдилар. Буюр маъ-лумотларига қараганда, мам-лакатда жиноятчилик кейинги беш йил ичида илк бор шу даражада юқори кўтерилган.

© ГАВИАНА. Сальвадор като-лик черковининг вакили Дуарте режисмининг ўт очилиш тўта-ти юзасидан партизанлар бил-лан музокаларини тиклашдан бош тортиганини Сальвадор-даги аҳолини бартараф этиш масаласида очикдан - очик орқага ташланган қадам, деб баҳолади. Сан - Сал-вадор архиепископи Ар-тур, Ривера-и-Дамас ре-жим бошлиғини партизанлар билан янги мулоқот бошлаш учун дастлабки шарт шифатида улар қуролиларини ташлаш ке-рак, деган талабини олға сў-раганини ушун таъкид қилди. Ҳукуматнинг тўттан бу йўли, деди у хутба чоғида, ўтган йили август ойида Гватемалада имзоланган тинчлик битимлари-га эъдида.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

251, 333-сайлов округлари бўйича ўрни бўшаган депутатлар ўрнига йигирманчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига қўшимча сай-ловлар ўтказувчи округ сайлов комиссиялари сос-тавини тасдиқлаш тўғрисида

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Совет-ларига сайловлар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қону-нининг 54-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар Совети иж-роия комитети қарор қилади:

Ўрни бўшаган депутатлар ўрнига йигирманчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига қўшимча сай-ловлар ўтказувчи округ сайлов комиссиялари жамоати-чи ташкилотлар ва меҳнат коллективларининг қўнидаги ва-киллардан иборат составда тасдиқлансин.

ОКТАБР РАЙОНИ
251-сайлов округи бўйича
Округ сайлов комиссияси-нинг раиси — Хужаева Лю-бовь Анатольевна 167-ўрта мактаб бошлангич пар-тия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси-нинг раиси — Сайфутди-нова Эльмира Рифкатовна 167-ўрта мактаб меҳнат коллективидан.

Комиссия аъзолари:
Картакова Эльмира Анвар-бековна — Ўрта Осиё темир йўли Тошкент медицина би-лим юртининг бошлангич комсомол ташкилотидан.

Майиди Беба Григорьевна — Ўрта Осиё темир йўли Тошкент медицина би-лим юртининг бошлангич партия ташкилотидан.

Селимова Суидус Серверов-на — Сергели райониди 12-ўрта-ойлардан фойдаланиш уастакиси бошлангич касаб-а союзи ташкилотидан.

Шинаренко Вячеслав Ми-хайлович — Сергели рай-ониди 12-ўрта-ойлардан фой-даланиш уастакиси бошлан-гич касаб-а союзи ташкило-тидан.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ
Ш. МИРСАИДОВ.
Тошкент шаҳар Совети иж-роия комитетининг секретари В. МАНАСТИРЕТСКИЙ.

Долзарб мавзу

Ҳаммамиз пахтакорлар хизматида

Республикамиз пахтазорларида йил бўйи етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишнинг қизғин пал-ласи давом этмоқда. Деҳқонлар ҳо-силини қисқа муддатларда йиғишти-риб олиш мақсадида астойдил меҳ-

нат қилишмоқда. Бундай долзарб паллада ишчилар, экилчилар ва тала-балар ҳашарга отлангилар. Ҳа, ҳа-шар — халқимизнинг азалий уду-ми-дир. Бу йил ҳам тошкентликлар ўз оталиклариди Тошкент ва Сирдарё

лаҳрини асрашга катта эътибор бе-риляпти. Ҳашарчиларнинг йўлга отлан-иши муносабати билан «Тошкент оқшоми» муҳбири А. Даманов мутасадди ташкилот раҳбарлари билан учрашиб, шу масалалар ҳусусида суҳбатлашди.

шар-акушерлик пунктлари ҳам пахтакорларга дори-дармон етказиб беришда фавл иштирок этишди. Терим муносабати билан област дорихонале-рининг ассортиментлари қайта кўриб чиқилиб, 500 минг сўмлик қўшимча дори-дармонлар юборилди. Булар ичида турли дори-лар, 230 минг флакондан глицерин, вазелин, 249 миллион кўнғ гигиена пакетлари, 172 минг кўнғ оналар ва бо-лалар учун махсус аптечкалар, 100 минг дона «Универсал», 730 минг кўнғ транспорт аптеч-калари, 9,5 миллион метр медицина докалари бор. Шу кунларда дала шийонлари учун ҳар бири 70 сўм турайдиган махсус аптечкалар тайёрлаб юбормоқдамиз.

Ўзбекистон дорихоналар Бош бошқармаси пахта мавсумини муваффақиятли ўтказиш, ки-шлоқ ахли ва шаҳарлик ҳашарчиларнинг соғлиқ-ларини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар-ни ишга солаверадилар.

Шифокорлар далада

В. В. КАЗАКОВ,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқар-маси бошлиғининг ўринбосари.

— Биз асосан Сирдарё областига ҳашарга бо-райдиган тошкентлик студентлар саломатлигини назорат қиламиз. Бунинг учун сентябрнинг ўрта-ларида ҳашар соғлиқни сақлаш Бош бошқарма-си қошида ердамчиларга малакали медицина ер-дамини кўрсатувчи шаҳар координацион штабн тузилди. Штабнинг асосий мақсади терим олд-и тайёргарликларини йўлга қўйиш, саломатлиги тўғри келмаган студентларни ўз вақтида аниқ-лаш, ҳашарчиларга мунтазам медицина ердами-ни уюштириш эди.

Яқинда Сирдарёдаги дала шийонлари ва бараклариди санитария ҳолатини кўриб келиш учун иккита санитария-эпидемиология бригадаси у ерга бориб келди.

Биз ҳашарчилар ҳар бир хўжаликда терапевт, акушер-гинеколог ҳамда медицина ҳамшира-син иборат медицина группасини ташкил қилди. Ҳар бир дала шийонини ёки баракда эса ТошМЙ ва ССМЙнинг VI курс студентлари теримчилар соғлиқини назорат қилиб бориляпти. Булардан

ташқари, районлардаги марказий касалхоналар қошида врачлар бригадаси ташкил топди. Улар-нинг таркибида барча соҳа мутахассислари бў-лади. Оқ олтин ва Пахтакор районларида иккита кенгайтирилган медицина штаби ишлагамоқда. Бу штабларнинг ҳар бирида иккитадан «тез ер-дем» машинаси, кўчма дорихоналар, мавжуд Яна бу штабларда ўнга яқин етез ердем» кўр-сатуви группалар тузилган бўлиб, дала билан шаҳарни ўзлашувчи боғлаб туришди. Кенгайти-рилган штаб шаҳар штабига ҳар ўн кунда ахбор-от бериб боради. Сирдарё области далаларида борган студент-ҳашарчиларга 160 малакали врач, 100 дан ортққ ўрта медицина ходимлари, 800 га яқин медицина институтларининг юқори курс студентлари, 120 та машина хизмат қил-моқда.


Камарбастамиз

Ғ. Ҳ. МАНСУРОВ,
Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг бошлиғи.

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси қошида беш кишидан иборат марказий комиссия штабн тузилди. Бу штаб раҳбарлигида ҳар бир райондаги савдо ташкилотларида ҳам пахтакорларга савдо хизма-ти кўрсатувчи комиссиялар тузилди.

Авалло озик-овқат билан таъминлаш масала-си ҳўтталас. Бу борада Тошкент ва Сирдарё областлари хўжаликлариди озик-овқат маҳсулот-ларини сақлайдиган махсус омборлар ташкил қилинди. Уларда гўшти, балчиқ, мев-а ва саба-зотли консервлар, қанд, ағлар, кондитер ма-ҳсулотларининг ҳў ҳафтилик запаслари жамғариб қўйилди.

Шунингдек, жойлардаги 30 га яқин омборлар-да этиклар, резинали оёқ кийимлари, аёллар ва эркаклар учун ички кийимлар, пахталик иссиқ кийимлар, дурра ва деструмоиллар, сочиклар, га-лантерей ва парфюмерия буюмлари, радио ва телевизорлар, кўчма қизил байроқлар, хуллас бар-ча зарур буюмлар ҳозирланди. Уларни ҳашарчи-ча деҳқонларга етказиб бериш учун юзга яқин автоваҳоналар аяқталади. Теримчиларга 500 дан ортққ савдо қодим қиммат қилияпти. Жойларда-ги савдо хизматини назорат қилиш учун мах-сус оператива группалар тузилган.



«Оқ олтин» — Ватанга!

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил

10 октябрь бўлган

МАЪЛУМОТ		
(Планга нисбатан ҳисобда)	процент	
Хоразм	2,01	87,69
Тошкент	2,85	84,73
Қашқадарё	2,22	74,31
ҚҚАССР	2,72	68,41
Бухоро	3,40	66,41
Фарғона	2,24	65,08
Сурхондарё	2,27	64,35
Наманган	2,36	64,19
Сирдарё	3,47	62,95
Анджидон	1,41	52,65
Самарқанд	2,88	42,14
Республика бўйича:	2,56	65,14

Партия Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми Совет жамиятида революцион жараён қайта қурилиш бошлаб берди. Апрель пленумидан кейинги ўтган уч йил иккида мамлакатимиз тарихийда ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Лекин қолоқликда чиқиш қийин соқиллик билан юз бермоқда. Агарда бюрократизм сингари иллат бўлмаганда ютуқларимиз бўйдан ҳам салмоқли бўларди.

Бюрократизмнинг асл моҳияти нимада? Бюрократизм бу капитализм сарқити. Биз гарчида социалистик жамиятга яшасан ҳам бюрократизм иллат, эскилик сарқити сифатида ҳамон сақланиб келмоқда. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин ўзининг мақолалари, докладлари, нутқлари ва хатларида бюрократизмни асосли фож қилган. Ленин бюрократизмни фож қилишда сиёсий, социал ва ҳуқуқий восталарини ишга солишни масалада берган.

Совет кишиларнинг хоҳиш-иродалари ва конференция делегатларининг тақлифлари билан Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида «Бюрократизмга қарши кураш тўғрисида»ги резолюция бир овоздан, яқдиллик билан қабул қилинди. Бу Резолюциянинг қабул қилиниши бекик эмас, албатта. Чунки турғунлик даврида буйруқбозлик, қорғобозлик, расмийчилик ҳуқуқ оқибатларга олиб келди. Жамоатчилик фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва истаклари менсимай қўйилди. Меҳнаткашларнинг ижодий фаолияти бўғиб ташланди. Бюрократизм ўз позициясини экономикда, социал соҳаларда мустаҳкамлаб олган эди.

Бу хатарли йўлнинг олдини олишнинг бирдан-бир усули бюрократизмга қарши қаттиқ ва аёвсиз кураш бошладан иборат бўлиб қолди. Конференцияда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, консерватив бюрократик раҳбарлик усулларини тубдан бўғиб ташлаш зарур. Шундай қилинмаса, бундан буён олға ҳаракат қилиб бўлмайди. Бюрократизм тараққиёт душмани, у истиқболга тўқинлик қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев айтганидек: «Бугун биз иқтисодий ислохот орқали, сиёсий система ислохоти, маънавий соҳани соғломлаштириш орқали, оммавий ахборот воситалари орқали

бўлган жамиятни сиёсий ҳаракат қилишимиз, ана шундай қилмас бюрократизм қочиб қўйладиган жой қолмайди. У ўзини қаерга қўйишини билмай қолади. У худди ана шу нарсалардан қўрқади».

Демак, совет кишиларни бюрократизмга қарши курашини дадиллик билан, изчил олиб боришлари зарур. Шунинг учун ҳам Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси бюрократизмга қарши курашини йўллари ва тадбирларини белгилаб берди. Бу тадбирларни экономикда, социал соҳалар, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ниҳоят ахлоқий-маънавий наҳалар орқали амалга ошириш мумкин.



Партия конференцияси қарорлари – ҳаётга!

БЮРОКРАТИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Экономика бу — корхона ҳақидаги қонунга риоя қилиш, меҳнат коллективлари томонидан саялаб қўйладиган Советлар оғурисини ошириш, ҳўжалик ҳисобиди ишловчиларга тўла эркинлик бериш, ишлаб чиқариш демократиясини ривожлантириш ва бошқалар.

Социал соҳа — меҳнаткашларнинг турмуш шароитлари билан боғлиқ бўлган барча талаб ва эҳтиёжларини қондириш, изчиллик билан социал адолат принципларини амалга ошириш.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда энг асосий нараса демократик централизм бюрократизм билан алмаштирилишига йўл қўймаслик.

Ахлоқий-маънавий ҳаётда — кишиларнинг эркин фикр юритишларига йўл қўйиб бериш, маданият соҳаларида бўлар-бўлмаста буйруқбозлик қилмаслик ва ҳоказоларидир.

Шундай қилиб, одамларни қайта қуришдаги янгиликларни ҳис қилиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳа-

да тўраларча муносабат, маҳкамачилик, мансабдорлик, ўз амалини суниётсизмол қилиш қарор топади. Ҳаётимизда шундай проблемалар борки, уларни ҳал қилиш вақти келди. Бу проблемаларни ижобий ҳал қилиш учун бюрократик муносабатни тубдан ўзгартириш зарур.

Умумиттифоқ аҳамиятга эга бўлган бир масалани олиб қўрайлик. Бу хотин-қизлар масаласи. Совет Иттифоқида хотин-қизларни оғир қўл меҳнатидан озод қилиш, уларга яхши социал шароит яратиб бериш ҳақида кўп ишлар қилинди. Ҳўш, бу тадбирлар етарлими? Албатта етарли эмас. Аёлларимиз ҳамон уй-рўзгор ишлари билан банд бўлиб қолмоқдалар. Шунинг учун улар жамоат ишларида актив иштирок этолмаётилар. Бу эса албатта уларнинг социалистик жамиятдаги фаолликларида татсир қўр-сатқанда.

Яқинда Бутуниттифоқ «Билим» жамияти «Совет аёллари ва социализм» мавзусида давра столи ўтказди. Бундай

улашув қайта қурилиш шароитида биринчи марта ўтказилиши эди. Учрашув чоғида шу нараса маълум бўлдики, аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўла туриб, меҳнатга ҳақ тўлашда тенгсизлик юз бермоқда экан.

Бундай ташқари аёлларимиз саноят, қурилиш ва бошқа соҳаларнинг энг оғир участкаларида меҳнат қилишмоқда. Ҳўш энгил ҳисобланган тўғимачилик саноятини олайлик ёки бўлмаса, қўчаларга асфальт ётқириш, йўл қурилиши ишларини олайлик. Ёки бўлмаса, қурилишдаги бўёқчи, сувоқчи касбларини олайлик. Буларнинг ҳаммасида аёллар меҳнат қилишмоқда. Бутуниттифоқ XIX

партия конференциясида сўзга чиққан Совет хотин-қизлари комитетининг расиси З. П. Пухова шундай мисолларни келтирди. Ҳўрта ва олий маълумотга эга бўлган ҳар икки эркакнинг бири (бу 48 процентни ташкил қилади) раҳбарлик лавозимини эгаллаб турибди. Аёллар ўртасида эса бу рақам бор-йўғи 7 процентни ташкил қилади. Бундай кўнгилсиз оқибат албатта бюрократизм натижасидир. Раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган мансабдор шахслар аёлларнинг ўсишига, уларнинг юқори лавозимларга кўтарилишига, бир сўз билан айтганда, хотин-қизларнинг совет жамиятида актив иштирок этишига тўқинлик қилмоқда.

Жамиятимизда рўй бераётган ҳар бир янгилик, шўбҳасиз, бюрократлар қаршилигида дуч келмоқда. Бу масалан, корхона (бирлашма) тўғрисидаги Қонуи кучга кирган дастлабки қунарлардоқ билиниб қолди. Бюрократлар давлат буюртмаси қондасини бузиб, уни оғури-сиз-

лантириб урибди кўрдалар. Ёки бўлмаса ҳўжалик юртишнинг пудрат, ижара, кооператив формалари бюрократик тўсқинларини енгиб ўтишга тўғри келмоқда. Ёки бўлмаса давлат аппаратини олиб қўрайлик. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин совет идора аппаратининг илҳам ва илҳам бўлиши лозимлигини доим ўқитганди. Ваҳоланки турғунлик йилларида бошқарув аппарати ҳалдан ташқари ишчиб кетди. Керак бўлмаган министрликлар, бошқармалар вужудга келди. Бундай кўнгилсиз аҳвол ўзбекистонда ҳам авж олиб кетди. Бугунги кундаги вазифа давлат аппаратини илҳам қилиш ва идора ишларини бошқаришга меҳнат қоллективларини жалб қилишдан иборат. Йалб қилганда ҳам шундай қилиш керакки, давлат аппарати ишини меҳнаткашлар қузаатиб боришлар. Давлат аппарати ҳодимлари вақти-вақти билан меҳнат қоллективлари, саялаб қўйилган Совет идоралари олдиди ҳисоб бериб турсинлар. Бундай ҳисоб бериб туришнинг яна бир усули раҳбар ходимларнинг меҳнат қоллективларида бўлиб, граждандарни қабул қилиш формасидир. Агар шундай қилинса, саялаб қўйилган раҳбарнинг ўз қоллективи олдиди масъулияти ва жавобгарлиги яна ҳам ошад.

Ошқоралик ва демократия қанчалик чуқурлаштирилса, расмийчилик шўнчалик тез барҳам топади. Навбатдаги вазифа — давлат қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда меҳнаткашларнинг бевосита иштирокини таъминлашдан, ишларнинг аҳволи билан уларни таништириб боришдан иборат. Резолюцияда қайд этилганидек, демократик централизм бюрократик централизм билан алмаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларга зарба бериш зарур.

Доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг бюрократизмга қарши курашини бир дақиқа ҳам тўхтатмаган ҳолда олиб бориш лозим, деб айтган кўрсатмаларидан келиб чиқиб, партиямиз янги шароитда бюрократизмга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқда. Бунинг тоғт муҳим аҳамиятга эга ақолишти партия XXVII съездида, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумларида ва юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида алоҳида қайд этилди.

Э. АЗИМОВ, тарих фанлари кандидати.

Фоторепортаж



Корхонанинг бир куни

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёёрлаётган турли маҳсулотлар жаҳоннинг бир қанча бурҷалга юборилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларининг кўпайиши эса корхона довруғини ёйишда кўмак бўлмоқда. Бирлашма маҳсулотлари айниқса қишлоқ аҳлига катта мадад. Бир неча ишчи кунининг ўрнини босадиган машиналарнинг ишлаб чиқарилиши дала захматкашлари оғирини енгатди қилмоқда. Хусусан, УПХШ — 1,5 «В» қўшув чувиш агрегати пахтакорларга, жуғатиш учун шай қилиб қўйилган. Бу агрегат ишга тўрирлигини билан пахта сифатининг оширилиши имкони яратилади.

«Қишлоқ аҳлига мададкормиз». Бу шнор — бир неча йиллардан буён пойтахт ишчиларининг биринчи навбатдаги шнорларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу бонс пахта масуми даврида «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида иш яна ҳам қизғин тус олади. Корхонанинг ҳар бир куни қизғин меҳнат билан ўтади.

© СУРАТЛАРДА: УПХШ—1,5 «В» қўшув чувиш агрегатларини пахтакорларга жуғатиш пайти. Бу ишчи амалга оширишда Бахтёр Дошномов бошлик бригада аъзолари жойбозлик кўрсатилди; тайёр маҳсулотларни ортин майдонда слесарининг иши бекибдир. Ана шу майдоннинг моҳир слесарлардан бири Василий Ян ҳисобланади. У УПХШ 1,5 «В» қўшув чувиш агрегати ва СХУ — 4 чигит экин сезилчаларини созлайди; агрегатлар платформаларга ертилди. Эндиги йўл пахта даладарига.

Б. МИРЕҚУБОВА, М. Нуриддинов фотолари.

Радиостанцияси радио

НЬЮ-ЙОРК. Бутун Америкага ўзининг ажойиб концерт зали билан машҳур бўлган Нью-Йоркдаги «Радиосити» комплекси радиостанцияси қолди. Бундан 62 йил муқаддам илк бор «Фирма» чиққан Дабльо-Эн-Би-Си станцияси ўз эшиттиришларини тўхтатиб қўйди, унинг 50га қичи ҳодими эса ишсиз қолди. Яхши об-ҳаво шароитларида мамлакатдаги 50та штатнинг 36 таси эшиттиришлар қабул қилиши мумкин бўлган канал маҳаллий спорт радиостанцияларидан бирига на-сиб этди.

Нью — Йоркликлар учун кўнгилсиз бу воқеа Америка Қўшма Штатларидаги энг катта саноят концернларидан бири «Генерал элктрик» 1985 йилда Ар-Си-Эй корпорациясини сотиб олганлиги билан боғлиқдир? Эн-Би-Си радио ва телекомпанияси ана шу корпорацияга қарашли эди. Қонунга биноан корпорациянинг янги эгасига бир районда радиозастиртишлар ва телекўрсатувлар бозорини эгаллаб олиш ман этилади. «Генерал элктрик» концерни кўпроқ фойда келтирадиган телкомпанияни сақлаб қолишни, Эн-Би-Си-га тегишли радио тармоғини эса сотишни афзал кўрди.

Натижада Америка Қўшма Штатларида коммерция радио эшиттиришлари фаолияти тушган станция ўз болиятини тўхтатиб қўйди. Мазкур станция 1922 йилда илк бор реклама эълонларини эшиттирига бошлаган, ўшанда ўн минутлик реклама унинг эгасига 100 долларга тушган эди. Бу ҳозир қувғили тузолади. Радио-станция бир йилдан сўнг тарихда биринчи бўлиб футбол стадионларидан бевосита спорт репортажлари уюштирган ҳамда америкалик ишчибозларни қувонтирган, ана бир йил ўтгач эса, мамлакатдаги энг катта сиёсий партиялар съездаларидан ҳам эшиттиришлар олиб бериш эди.

Телевизион даври бошланиши билан радио ўзининг оммавийлигини йўқота бошланди. Лекин, шунга қарамай, Нью-Йорк станцияси ўзининг қизқарқил хабарлари ҳамда музикали программалари билан томошабинлар эътиборини жалб этиб келди. Ҳозир «Радиосити»да катта муваффақият билан тайётган совет цирки гастроллари унинг сўнгги эшиттиришлари бағишланган мавзу бўлди.

НЬЮ-ЙОРК. Рак касалликлари қарши кураш йўлларини излаётган америкалик медек силмлар клиник тадқиқотлар Америка федерациясининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган семинарида ўз касббозларини Рей Бейтманининг докладыни гулдурас қарсаклар билан қоршиладилар. Рак ҳужайраларини йўқ қилиб ташлайдиган янги дори яратилиш тўғрисидаги доклад қизиклигининг зўрлиги фақат муаммонинг актуаллиги билан эмас, шу билан бирга доклад-

БЕЛГРАД. Югославия жуда оғир аҳволга тушиб қолди: мамлакатдаги сиёсий муносабатлар кескинлашад, меҳнаткашларнинг кейинги ойларда бўлиб ўтган норозилик митингларида одамларнинг жамиятдаги вазиятдан ўринли норозилиги ўзининг яқол ифодасини топди. ЮСФР Президиумининг Раиси Ранф Диздаревич яқшабба кунин кечқури радио ва телевидение орқали ЮСФР Президиуми номидан Югославия граждандарига қилган мурожаатда шу гапни айтди.

Италияда қабул қилинган қалати қонун

РИМ. Яқинда Римдаги ҳайвонот боғининг дарвозаси ёнида ўтказилган намоишнинг ителарнинг ҳақиқий байрами» деса бўлади. Бир қарашда, у ерда ителарнинг қандайдир кўргазмаси ўтказилётгандек туюлиши мумкин эди. Аммо бу кўрик эмас эди. Мутахассислар ителарнинг у ёки бу зотига балоқ беришмеди, тўрт оёқли жониворларга нишонлар топширмиди. Жониворлар об-ҳаво маълумларининг уй ҳаёвонларини ҳимоя қилиш ҳақи-

иш тақдим этилса ва улардан бирининг ёши 41 дан ошган бўлса, тадқиқот ҳақида муаллифларнинг ёшроғи ахборот бериши керак. Тисман эса 46 ёшга тўлган. Олдинги у Бейтмани компьютер ҳисобларини бажаришда ёрдам бериши учун жалб қилган эди. Кейинчалик ҳаққат қўувчиси унинг тенг ҳуқуқли шеригига айланган. Унинг ёрдамисиз тадқиқларнинг белгиланган программасини бажариб бўлмас эди, деб тан олди доктор Глен Тисман.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЭСАДИЛАР

Объективда — Хитой



Анъанавий Хитой тасвирий санъатининг буюк устаси 93 ёшли Лю Хайсу (иқдхон тасвирий санъат намонадалари уни 70 йилдан бери яхши билдишади) шу йил ёзда Хуаншань тоғига ўзининг марта кўтарилиди. Рассомнинг ижоди мўйса. Фидининг тоғ чўқирисига нима сабабдан кўтарилишини изохлаб турмаганида, шу фантининг ўзинга Гиннеснинг машҳур рекордлар китобини қизинтириши лозим эди.

70 йил муқаддам, Шанхай нафис санъаткорлар мактабининг катта ўқитувчиси бўлиш Лю биринчи марта тоғ чўқирисига кўтарилган... ва унга маҳлиё бўлиб қолган эди. Қалбиди жўш урган ҳис-туйғулар полотноларда анс эта бошладди. У тоғ чўқирисига тўқиз марта кўтарилиб бўлса, ҳар сафар хомани лавҳалар туширилган папани тўлатиб тушарди. Тоғ манзаралари илҳом бағишлаган рассом бу борада маҳкамаликка эришди. Қаргайлар, булутлар, қоллар ва баҳор унинг асосий мавзуларидир.

СУРАТЛАРДА: Лю Хайсу ва унинг умр йўлдоши Са Цзю Хуаншань тоғида туристлар билан суҳбатлашмоқда; расомнинг «Хуаншань тоғининг Шисини чўқириси» расми.

Синхуа — ТАСС фотоси



НУҚСОНЛАР ЙЎЛИГА ҒОВ ҚЎЙИЛДИ

Минск автомобиль заводи конструкторлари автомобилларнинг моделларини ишлаб чиқариш чоғида нуқсонларга йўл қўйишдан қўтулдилар. Юқори самарали амалий программаларни жорий этиш натижасида нисбатан қисқа муддат ичда «МАЗ-3422» автопоэзларининг капитал ремонтсиз юриши 600 минг километр-гача етказилди. Моделларни ишлаб чиқиш босқичида техниканинг лишиқлигини олдиндан ҳисоблаб бериш каттаги натижасиди маблаг олинишига умид уйғотмоқда.

СССР БУЮРТМАСИ БИЛАН

Амур дери пароходчилиги флоты бир йўла «дарё-деңизга» классдаги еттиге кема билан тўлариди. Бешта танкер ва иккита куруқ юк ташувчи кема юкларни қўшни мамлакатларга ва Ўзқ Шарқнинг шимолӣ районларига ташви ҳажмини ошириш имконини беради. Бу кемалар СССР буюртмаси билан Болгария, Руминия ва Финляндия верфларида қурилди.

ҲАМ ЧИРОЙЛИ, ҲАМ ШИНАМ

Чадоевдеги тўла йиғма уй-созлик комбинатида тайёрланган ўнлаб чиройли иссиқ уй Курск ва Калуга областлари кишлоқларининг янги қурилишларига жўнатилади. Энди қорхонанинг ёғоч-қипқили конструция асосида тайёрланган, ўзиди иссиқлигини сақлайдиган, осонгина йиғилдиган бу пиш-қиш-пухта уйлари етказиб берилиш географияси ана кенгайди. Хоналарнинг жойлаштирилиши жиҳатидан қўлай бўлган мазкур биналар буюртмачининг ҳоҳишига кўра бир аёк икки қаватли қилиб қурилиши мумкин. Унинг таққими 78-100 квадрат метрни ташкил этади. Ҳозир ҳам соқли оилалар учун ҳам ана шундай шинам уйлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЗАВОД МАГАЗИН ОЧДИ

Грузия ССРнинг Гардбани шехрида очилган фирма магазини «Йигули» машиналари учун аккумуляторларнинг дастлабки туркуми келтирилди. Бу магазини маҳаллий картон-руберонд заводи коллективни очди. Махсус барпо этилган участка ил охиригача ўнлаб минг сўмлик ана шу қамбў маҳсулотни етказиб бериш, ҳўш ўртасида бургина: «Сиз АҚШнинг янги президенти лавозимда кимни кўрishing лавозини, эдингиз!» деган савол ёзилган аниқта тарқатилган эди. Ёнг кўп овоз тўпланган... актриса Жейн Фондаининг рақиблари анча ортда қолиб кетди. Жори Буша эса атғиш 17 процент овоз берилди.

ДАСТХАТЛИ КОСТОМЛАР

Бир неча йил муқаддам Фарбий Германиянинг Киль шаҳрида истиқомат қилувчи пензионер Вальтер Таннеберг машҳур рок-ўшанич Удо Йиргинсдан дастхатини сўраган эди. Қўл остида бирор қороз бўлмаганлиги сабабли ана шу «юлдуз» ўйлаб-нетмай ўз муҳлисининг оқиш костюмига дастхатини қўйиб юборганди. Таннеберг бундан аҳшигина даромад олиш мумкин, деган фикрга келди. Ҳозир у ана шундай дастхатларини тўллаб, ҳар бир костюмни 2 минг марнадан пуллайпти.

Фан ва техника

янгиликлари

КОСМОС КАШШОФИГА ЕДГОРЛИК

Москва яқинидаги Калининград шаҳарисида кўп нарсалар атоқли совет конструктори, академик С. П. Королев номи билан боғлиқ. Бу ерда жойлашган Космик парвозни бошқариш маркази мутахассислари «Ер — орбита» алоқасини бир кун ҳам тўхтатмай довом эттирмоқдалар.

Калининградликларгина эмас, айни вақтда шаҳар меҳмонларини ҳам космос кашшофларининг машаққатли меҳнатига ҳўрмат бажо келтирадиган, атоқли конструктор жасорати олдиди таъзим қиладиган вақт келди. Собиқ конструкторлик бюросининг баланд деворлари орқасида эмас, балки шаҳардаги Королев номи билан аталувчи марказий қишлоқ кунга кеча бош конструкторга ўрнатилган ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Ҳайкалтарош В. Н. Левин ҳамда архитектор С. М. Рязнин яратган ҳайкал катталлиги ҳамда маҳобати билан унга таассурот қолдирмади. Оқим ва конструкторнинг ватани — Житомирдан бу ерга олиб келинган жигарлар гранитдан ишланган пастак таг сўлачада Сергей Павловни космик иерархия бунёдкорларининг бугунги авлоди билан бирга шахмат қадим ташлабгандаки, бу тантанали маросимнинг орбитага — ана шу ерда, Москва обласида яратилган ҳамда мазкур марказ мутахассислари бошқараётган «Мир» илмий станцияси экипажига бевосита олиб кўрсатилганининг ҳам рамзий маъносига бор.

Ҳайкал очилишига бағишланган митингга космик техникани бунёд этган оқимлар, конструкторлар, ишчилар, СССР космонавт учувчилари сўзга чиқиди.

Минск автомобиль заводи конструкторлари автомобилларнинг моделларини ишлаб чиқариш чоғида нуқсонларга йўл қўйишдан қўтулдилар. Юқори самарали амалий программаларни жорий этиш натижасида нисбатан қисқа муддат ичда «МАЗ-3422» автопоэзларининг капитал ремонтсиз юриши 600 минг километр-гача етказилди. Моделларни ишлаб чиқиш босқичида техниканинг лишиқлигини олдиндан ҳисоблаб бериш каттаги натижасиди маблаг олинишига умид уйғотмоқда.

СССР БУЮРТМАСИ БИЛАН

Амур дери пароходчилиги флоты бир йўла «дарё-деңизга» классдаги еттиге кема билан тўлариди. Бешта танкер ва иккита куруқ юк ташувчи кема юкларни қўшни мамлакатларга ва Ўзқ Шарқнинг шимолӣ районларига ташви ҳажмини ошириш имконини беради. Бу кемалар СССР буюртмаси билан Болгария, Руминия ва Финляндия верфларида қурилди.

ҲАМ ЧИРОЙЛИ, ҲАМ ШИНАМ

Чадоевдеги тўла йиғма уй-созлик комбинатида тайёрланган ўнлаб чиройли иссиқ уй Курск ва Калуга областлари кишлоқларининг янги қурилишларига жўнатилади. Энди қорхонанинг ёғоч-қипқили конструция асосида тайёрланган, ўзиди иссиқлигини сақлайдиган, осонгина йиғилдиган бу пиш-қиш-пухта уйлари етказиб берилиш географияси ана кенгайди. Хоналарнинг жойлаштирилиши жиҳатидан қўлай бўлган мазкур биналар буюртмачининг ҳоҳишига кўра бир аёк икки қаватли қилиб қурилиши мумкин. Унинг таққими 78-100 квадрат метрни ташкил этади. Ҳозир ҳам соқли оилалар учун ҳам ана шундай шинам уйлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЗАВОД МАГАЗИН ОЧДИ

Грузия ССРнинг Гардбани шехрида очилган фирма магазини «Йигули» машиналари учун аккумуляторларнинг дастлабки туркуми келтирилди. Бу магазини маҳаллий картон-руберонд заводи коллективни очди. Махсус барпо этилган участка ил охиригача ўнлаб минг сўмлик ана шу қамбў маҳсулотни етказиб бериш, ҳўш ўртасида бургина: «Сиз АҚШнинг янги президенти лавозимда кимни кўрishing лавозини, эдингиз!» деган савол ёзилган аниқта тарқатилган эди. Ёнг кўп овоз тўпланган... актриса Жейн Фондаининг рақиблари анча ортда қолиб кетди. Жори Буша эса атғиш 17 процент овоз берилди.

ДАСТХАТЛИ КОСТОМЛАР

Бир неча йил муқаддам Фарбий Германиянинг Киль шаҳрида истиқомат қилувчи пензионер Вальтер Таннеберг машҳур рок-ўшанич Удо Йиргинсдан дастхатини сўраган эди. Қўл остида бирор қороз бўлмаганлиги сабабли ана шу «юлдуз» ўйлаб-нетмай ўз муҳлисининг оқиш костюмига дастхатини қўйиб юборганди. Таннеберг бундан аҳшигина даромад олиш мумкин, деган фикрга келди. Ҳозир у ана шундай дастхатларини тўллаб, ҳар бир костюмни 2 минг марнадан пуллайпти.

(ТАСС).

Е. ЕФИМОВ,
УзТАГ мухбири.

кутиб олишди. Кулгу кулгу-
га уланди. Обиджон Асо-
мов, Собитжон Асомов,
қашқадарёлик пародиячи
Эгамберди Тўраев, Ботир
Муҳаммаджоновларнинг ичак-
узди ҳажвлари э б барчага
манзур бўлди.

Масаллар

А. Рискиев фотоси

Оққа кўчирувчи:
ЗАЙНИДДИНОВ.

⊙ «Ем-хашакдан сама, фойдаланайлик».
(Газетадан).

Тошкент оқшоми • 3-бет.

ТҶИТЕПА МЕТАЛЛ
КОНСТРУКЦИЯЛАРИ
ЗАВОДИГА

токарлар, электрпайнанд-
чилар (иш ҳақи — ишбай);
электр кўприк қранларнинг
машинистлари (иш ҳақи —
вақтбай-мукофотли)

КЕРАК

Завод 1,5-2 йил мобайнида
завод микрорайонида жой-
лашган қишлоқликлар билан,
бўйдоқларни эса шинам
ётоқхонадан жой билан
таъминлайди.

Завод қишлоқ Новокузнецк
монтаж техникумининг (фи-
лиали мавжуд, заводга қа-
рашди микрорайонда — ўн
йиллик ўрта мактаб, иккита
болалар богча-ясилни (лого-
пед группалари билан), юз
кишига мўлжалланган са-
натория-профилактория (элек-
тро физио ва сув процеду-
ралари учун даволаш корпу-
си), 300 уштакига мўлжал-
ланган богдорчилик ширкати
бор.

Заводда ишлаш учун му-
тахассисликка эга бўлмаган
завод ўқув пунктидаги
курсларда ихтисосликни эга-
ллайди.

Қуйидаги адресга мурожа-
ат қилинсин: Тошкент обла-
сти, Тўйтепа шаҳри (Ичкилоб
хўбонидан «Тўйтепа» ав-
тобусида, сўнгга «Металл
конструкциялари заводи»
бекатида қадар маршрутли
таксида борилади).

ТОШКЕНТ ШАҲАР
АХОЛИНИ ИШГА ЖОЙ-
ЛАШТИРИШ, ҚАЙТА
ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА
ЎЎЛЛАШ МАРКАЗИ
Автотранспорти ва камида
3 йиллик иш стажига эга
бўлган хайдовчиларни ишдан
бўш вақтларида ёки дониий
равнида пассажирлар ва юл-
лар ташин учун

«ЛАДА» КООПЕРАТИ-
ВИГА КИРИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

«ЛАДА» КООПЕРАТИВИ

якшанбадан ташқари ҳар ку-
ни соат 11.00 дан 20.00 га-
ча ишлайди.

Адрес: Тошкент шаҳри,
Б. Хмельницкий кўчаси, 22-
«а» уй. Справкалар учун
телефон: 55-98-18.

ДИҚҚАТ!

ФАРЗАДЛАРИМИЗ
НИНГ ЗАВОДИ ТАҚДИРИ-
ГА БЕҒВАР БУЛА ОЛ-
МАГАН БАРЧА КИШИ-
ЛАРИНИ ИЖОДИЙ ПЕДА-
ГОГИКА КЛУБНИНГ
ТАЪСИС МАЖЛИСИДА
ИШТИРОК ЭТИШЛАРИНИ
СЎРАЙМИЗ

Клуб Сизларнинг фикр-
мулоҳазаларингизни муҳо-
кама қилиш, эксперимент
ишларини кенг омаллашти-
ришга кўмаклашиш, амалий
ва назарий педагогиканинг
энг яхши ютуқларини про-
паганда қилишга тайёр.

Сизларни 13 октябрь соат
17.00 да қуйидаги адресда
жойлашган шаҳар ўқитувчи-
лар мажлисини ошқирин ин-
ститутга кутамиз: Тошкент
шаҳри, Т. Шевченко кўчаси,
4-ўй.

Октябрь район Давлат

страхование инспекцияси
берилган 203-форма АА се-
риядаги 11939086 номерли
йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАР

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Монтая
ва махсус қурилиш ишлари
министрлиги «Узпромвент-
илиция» трестининг пакет-
лар учун мўлжалланган йў-
қолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошкент» агрофирмаси
Собир Раҳимов раҳбари улгур-
жи-чакана савдо комбинати-
га қарашли 17-магазиннинг
йўқолган

ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Главэлеваторстрой»нинг
Ўзбекистон қурилиш-монтаж
бошқармасига берилган 732-
номердан 740-номергача бўл-
ган йўқолган

ИШОНЧ ҚОҶОЗЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА

ЭКСКУРСИЯЛАР

БЮРОСИ

КУЗ ФАСЛИДА ДАМ ОЛИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Куз одатда майсалар қайта барқ урган мансум, дам
олиш мансуми саналади. Бу беизин эмас. Бу паллада гўё
табиатнинг ўзи дам олувчилар ҳақида ғамхўрлик қилган-
дек.

БЮРО КУЗ МАВСУМИДА РАНГ-БАРАНГ МАРШ-
РУТЛАР БУЙЛАБ МАРОҚЛИ САЁҲАТЛАРГА ЧИҚИШ
УЧУН ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИНИ
СОТАДИ.

46-маршрут — БЕЛГОРОД-КУРСК-ОРЕЛ-МОСКВА,
16 кунга 19, 23, 27 октябрда жўнаб кетади, Баҳоси —
161 сўм.

47-маршрут — СМОЛЕНСК-БРЯНСК-ОРЕЛ-КА-
ЛУГА-МОСКВА, 20 кунга 15, 19 октябрдан. Баҳоси —
205 сўм.

222-маршрут — ДОННА, 18 кунга 21 октябрдан.
Баҳоси 131 сўм.

132-маршрут — ТБИЛИСИ-СИГНАХИ-КУТАИСИ-
СУХУМИ, 18 кунга, 29 октябрдан. Баҳоси — 152 сўм.

136-маршрут — БОТУМИ-КУТАИСИ-ЦХИНВАЛИ-
ТЕЛАВИ, 17 кунга 29 октябрдан. Баҳоси—149 сўм.

226-маршрут — ДУББАСАРИ-КИШИНЕВ, 16 ку-
нга, 16 октябрдан. Баҳоси — 125 сўм.

309-маршрут — ХОСТА-ГУДАУТА-СУХУМИ, 20
кунга, 24, 26 октябрдан. Баҳоси — 138 сўм.

329-маршрут — РОСТОВ-ДОН-СТАВРОПОЛЬ-ТЕ-
БЕРДА-ПЯТИГОРСК, 18 кунга, 21 октябрдан. Баҳоси—
118 сўм.

744-маршрут — СИМФЕРОПОЛЬ-СОКОЛИННОЕ.
СЕВАСТОПОЛЬ-ЕВПАТОРИЯ, 18 кунга, 18 октябрдан.
Баҳоси — 118 сўм.

Овқатланиш, жойлашш, экскурсия хизмати кўрса-
тиш харажатлари путёвка қийматига қиради.

Йўл харажатлари путёвка қийматига қирмайди.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат
қилинсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-«а» уй.
(метронинг «Пахтакор» станцияси).

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚА-
СИДАН ФОНДАЛАНУВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲАР
ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ АБОНЕНТЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

АВТОМАТ АЛОҚАНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ
АБОНЕНТЛАР ХИЗМАТИДА

Пўналишларнинг номи

Код Справкалар бюроси

Областларнинг район

марказлари

БУХОРО

Олоғ 36534 22222

Вобекент 36533 21208

Галлаасиб 36534 25208

Жиддувон 36537 21208

Жондор 36538 21300

Когон 36552 22222

Қорақўл 36556 22208

Шофирмон 36550 22208

ЖИЗЗАХ

Гагарин 37231 22222

ҚАШҚАДАРЁ

Бешкент 37557 —

Ғузор 37555 —

Қамашли 37553 —

Косон 37559 —

Китов 37554 —

Муборак 37567 —

Ульяновск 37564 —

Чирчиқ 37556 —

Шахрисабз 37552 32200

Яккабўғ 37558 —

Янги-Нишон 37551 —

МАРИ:

Сакар-Чага 370066 —

ЛЕНИНОВОД:

Бўстон 37945 22222

Ғафуров 37942 —

Зафаробод 37952 52221

Исфара 37962 22221

Қайракўм 37943 22221

Конибодом 37961 22222

Нов 37941 22222

Пролетарск 37955 22222

Ғра-Тепа 37954 22221

НАМАНҒАН:

Жумашуй 36945 22222

Косонсой 36965 22222

Поп 36943 32222

Тошбулоқ 36947 21222

Турақўрғон 36944 22222

Учқўрғон 36946 22222

Уйчи 36948 22222

Ҳаққуллобод 36961 22222

Чортоқ 36941 22222

Чуст 36942 22222

Янгиқўрғон 36963 21292

ҲШ:

Ола-Буқа 33241 21151

Аравон 33251 —

Исфара 33256 21070

Каравак 33242 22109

Қизил-Қия 33235 20870

Майли-Сой 33244 22222

Сузақ 33248 22155

Суюкта 33253 22111

Фрунзе 33255 —

ТОЖИКИСТОН ССР:

Жиргаторл 37732 —

Понж 377520 —

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

СВЕРДЛОВСК ЗАРГАРЛАРИ —

ТОШКЕНТЛИК МОДА МУХЛИСЛАРИГА

12 — 14 октябрь кунлари

«Олмос» республика улгуржи-чакана савдо бир-
лашмасининг 1-«Аметист» магазинида Свердловск
заргарлик заводи ишлаб чиқарган олтин зеб-зий-
натларнинг (узуклар, кўзис ва корунд кўзди узук-
ларининг)

Савдо-кўргазмаси ўтади

Магазин соат 11 дан 20.00 гача очик, танаффус со-
ат 14 дан 15.00 гача.

Дам олиш кунин — душанба.


Метрода бориш мумкин. «Ҳамид Олимжон» станция-
сида чиқилади.

Справкалар учун телефон 33-17-04.

«Олмос» республика улгуржи-чакана савдо
бирлашмаси.

«Союзторгреблама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.



Болгариянинг машҳур Қўёшли соҳил курортига ҳар
йили ёзда юз минглаб меҳмонлар ташриф буюришади.
Мовий денгиз, ажойиб пляжлар, қўнай меҳмонхоналар,
қўйна, хушманзара Несебр ва Созопол шаҳарларида бў-
лиш имконияти уларни ўзига жалб этади.

СУРАТДА: Қўёшли соҳил меҳмонлари транспорт ўрни-
да ана шундай митти автобус-паровоздан фойдаланишля-
ри мумкин.

Ю. Милушев фотоси.

(ТАСС)

Жамият ва қонун

Қиличи-
кидирмиш

Бугунги қайта қуриш,
покланиш даврида жамоатчи-
лик мулкига кўз олайтирув-
чилар, нопок йўл билан бой-
лик орттирувчиларга қар-
ши кураш «янада қиз-
ғин тус олди. Ай-
ниқса, бу нарса кўлаб хари-
дорган газламалар етказиб
бериётган йирик корхона —
Тошкент тўқимачилик ком-
бинатига яққол кўзга таш-
ланмоқда. Шу йил бошдан
буён маазкур корхонада 87
киши ўғирлик устида қўлга
тушди. Улардан 10 кишининг
иши тергов органларига оши-
рилди. Бу ўғирлик давлатга
252 сўмлик зарар келтирди.

Булардан ташқари, давлат
мулкига кўз олайтирувчилар-
дан 77 кишининг иши ўртоқ-
лик судларида муҳокама
этилди, 18 кишидан 150 сўм
миқдорда жарима ундирил-
ди.

Чунотчи, ўтган йил даво-
мида содир бўлган 131 та
ўғирликнинг 13 таси тергов
органларига жўнатилиб, жа-
ми 824 сўмлик жарима ун-
дирилган. Ўртоқлик
судларида эса, 44 кишининг
ахлоқи муҳокама этилиб,
улардан ҳам 830 сўм жарима
ундирилган.

Қўрииб турибдики, кор-
хонада бундай шахслар би-
лан кураш кун сайин кучай-
иб бормоқда. Бу эса ҳозирги
даврга ўзининг яхши сам-
раларини бермоқда. Бироқ,
бу кураш корхонанинг бар-
ча мунофақиятли равишда
олиб борилаётган деб айтиш
кинйи. Бинобарин шу йил-
нинг сўнгги ойлари ичида
юз берган ўғирликлар ҳам
корхонанинг баъзи бўлима-
ларида ишчи-хизматчилар ўр-
тасида ахлоқий-тарбиявий
ишларнинг ҳақи ҳам кўнгил-
дагидек эмаслигиндан шохид-
лик беради.

Шу йилнинг 12 апрелида
ип фабрикасининг бабина ўр-
тагувчиси Султонмурод Жў-
раев ўз ҳамкасби Рамазон
Хўжамкулов билан тил би-
риктириб, ип фабрикасининг
сўнгги иш участкаси бўлган
ғалтакка ип ўраш ҳеҳида
туғни соат 3 фалда ҳеч ким
йўқлигидан фойдаланиб, 20
та тойланган ғалтак ипини
(ҳар бири 200 метрдан ва
ҳар бир той ғалтакда 100
донадан) яъни, жами 5903
сўмлик маҳсулотни аввалдан
тайёрлаб қўйилган қопларга
жойлаб, корхона деворидан
жойлаб, ўғирланган мол билан
Шота Руставели кўчасига
тушишган вақтда милиция
ходимлари томонидан ҳар
иккала йигит ҳам қўлга олин-
ди.

Содир этилган бу жиноят
ҳам ип-йигити фабрикасида
ишчи-хизматчилар ўртасида
ҳуқуқ-тартибот ишларининг
ниҳоятда суст олиб борилаёт-
ганидан, фабрикада тайёрлов
маҳсулотлари устидан назо-
ратнинг яхши йўлга қўйил-
маганидан ва оқибатда со-
циалистик мулкнинг муҳофа-
за этилиши ҳам ўз ҳолига
ташлаб қўйилганидан яққол
далолат беради. Бу эса, охи-
р оқибат давлатга сезиларли
миқдорда моддий зарар кел-
тирмоқда.

Юқорида ўғирлик содир
этган Хўжамкулов ва Жўра-
евлар иши юзасидан ип-йи-
гити фабрикаси коллективни
ҳар иккала йигитнинг ахлоқи
коллектив ўртасида жиддий
муҳокама этилгани ва улар
ўз айбига икорор бўлгани ҳа-
қида Фрунзе район халқ су-
дига маълум қилиб, бу иш-
чи-хизматчилар орасида ҳу-
қуқ-тартибот ишларининг
кенгайтила муҳокама этиш
учун беришни сўраб хат
йўллади.

Бирок, бу жиноят аввал-
дан ўйлаб, келишилган ҳолда
содир этилгани ҳамда 509
сўмлик халқ мулки ўғирлан-
гани ва бу давлатга жиддий
зарар келтиргани учун халқ
суди бу ишни меҳнат коллек-
тивни кенгайтила муҳокама
этиш мумкин эмаслиги ҳақи-
да қарор чиқарди. Жиноят-
чилар эса Ўзбекистон ССР
Жиноят Кодексининг 114-
модда 2-қисмига мувофиқ
халқ суди томонидан яқин
йил мuddатга озодлигидан
маҳрум этилди.

Бундан ташқари, шу йил-
нинг 29 июнь кунин корхона
ишчиси Хомимжон Рустамов
тахминан соат бешларда
пардозлаш фабрикасининг
тайёр газламалар сифати на-
зорат қилинадиган теҳда 65-

либ, 80 метр — 114 сўмлик
«Надежда» газламасини
ўғирлаб кетаётган вақтда
милиция ходимлари томони-
дан қўлга олинган. У содир
этган жиноят ҳам Фрунзе
район халқ судига қўрилиб,
унга тегишли жаза берил-
ди. Маълумки, шу йил
бошдан буён комбинатнинг
йирик ишлаб чиқариш бўл-
ган пардозлаш фабрикаси
қайта реконструкция қилин-
моқда. Шу муносабат билан
барча ишлар ҳозир фабрика-
нинг янги оқартириш-мерсе-
реациалаш корпусига қўчи-
рилган.

Шу йилнинг 13 августидан
комбинатнинг хушёр соқчи-
лари — Исмоил Наврозов ва
Шариф Валиевлар ўғирнинг
ушланишида фаоллик кўрса-
тишди. Аввал 840 метр,
сўнгга 600 метр тайёр той-
ланган газламани олиб чи-
қишга уринган ўғирлар қўл-
га олинди, 30 августдан 31
августга ўтар кечаси соат 3
ларда эса таъминот бўлими
қў туширувчиси Шохиддин
Матисломов 114 сўмлик 120
метр оқартирилган мато би-
лан ушланди. Бунда соқчи-
лар бошлиғи А. Соколов ва
Ғ. Ғуломовлар алоҳида ўр-
нак кўрсатишди. Мана шу
соқчилар 12 сентябрь кечки
соат 11ларда яна бир жи-
ноятни очишда фаоллик қил-
дилар. Шу кунин яна мол
жўнатиш бўлими атрофида
транспортёркачи Рустам
Матрасулов 69 сўмлик 60
метр оқартирилган мато би-
лан қўлга олинди.

Шубҳасиз, бу жиноятчи-
лар иши ҳам жазосиз қолма-
ди, улар ўз қилмишига яра-
ша жаза олинди. Муҳими,
ўз постида ҳаммаша сергак
турган соқчиларнинг хушёр-
лиги туфайли яна бир қатор
жиноятларнинг олди олинди.
Ўғирланган матолар мол жу-
натиш бўлимига қайтарилди.

Шунингдек, халқ мулкига
кўз олайтирувчи жиноятчи-
лар билан курашда корхона
коллективига райондаги тер-
гов органлари ходимлари ҳам
яқиндан ёрдам беришяпти.
Тергов бўлими бошлигининг
ўринбосари, милиция катта
лейтенанти Фатхиддин Зиё-
мов бошлик орган ходимлари
корхонада тез-тез бўлиб, иш-
чи-хизматчилар орасида ҳу-
қуқ-тартибот ишларининг
олиб борилишида, давлат
мулкига ҳўжаларча муноса-
батни шакллантиришда фаол-
лик кўрсатиб келишмоқда.

Бинобарин, кесарда соци-
алистик мулк муҳофазаси ях-
ши йўлга қўйилиб, давлат
ва халқ мулки кўз қорачи-
гидек асралса, ўша жойда
ўғирликка ҳам барҳам бе-
рилади. жиноятлар олди
олинади. Зеро, кўпининг ки-
шилик комбинадта ҳам бу
курашга жамоатчиликни тў-
ла жалб этиш, коллектив ра-
вишда кураш олиб бориш
айни муддаодир.

З. ДУСТ